



ГАЗЕТА 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 2 декабр, сешанба № 186 (1611)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллаб, сиҳат-саломатлик ва бахт, Ўзбекистон халқига доимий раванқ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ, Иордания Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Ливан халқи ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига энг эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Қодир Аллоҳ Сиз Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт, зафарлар ва фаровонлик ато этади, деб умид қиламан.

Генерал Эмил ЛАХУД, Ливан Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сомали ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз Жаноби Олийлари ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати, халқига энг самимий табрикларимни йўллаш шарафига муяссарман.

Аллоҳ таолодан Сиз Жаноби Олийларига муваффақиятлар, юртингиз ва халқингизга раванқ ва фаровонлик ато этишини сўраб илтижо қиламан.

Жаноби Олийлари, менинг юксак эҳтиром ва биродарлик туйғуларимни қабул қилгайсиз.

Доктор Абдикасим Салад ХАССАН, Сомали Республикаси Президенти

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Кувейт Давлати Валиаҳди Саъад Ал-Абдуллоҳ Ас-Салим Ас-Сабоҳ, Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазирининг ўринбосари Сайф бин Зоид Ол Наҳаён, БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори Жак Диуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 1 декабр куни Оксаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Тлеухан Кабдрахманов Ишонч ёрлиғи топширди.

Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлаши билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Икки мамлакат МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий ҳамда кўплаб халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентнинг Қозоғистон элчиси билан суҳбатда савдо, сармоя, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳалари йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасида фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов шу куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Фам Зуй Шондан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Мамлакатларимиз ораллигидаги масофа нисбатан узоклигига қарамай, Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Элчи, ҳусусан, иқтисодий, маданий ҳамда сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов вьетнамлик дипломатга янги бошланган миссиясида муваффақият тилади.

Вьетнам элчиси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш йўлида куч-гайратини ямғирлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Гао Юйшен Ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўпчилигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўйича ҳамкорлими бўлган Хитой элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишига ҳисса қўшишни ўзи учун бош мақсад сифатида белгиланганини, Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Ислом Каримов элчига муваффақият тилар экан, ўзаро муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримов Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фатҳалидан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Эрон Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборини қунайтирмоқда. Мамлакатларимизда эса биргаллик ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар талайгина.

Ўзбекистон ва Эрон айланича транспорт коммуникациялари соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борадаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама асосда ҳам ривожланипти. Мамлакатларимиз биргалликда Афғонистон транспорт тизимини тиклаш ва тақомиллаштиришга катта ҳисса қўшапти.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасида фикрлашиб олинди. (ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:
 - биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
 - жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
 - мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
 - мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўқсизлик қилмаган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;
 - жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.
- Эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
- Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилган ишлар тугатилсин.
- Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:
 - қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига;
 - қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - бешдан бир қисмига.
- Тадбир этилмасин:
 - мазкур Фармон - ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган мажнунларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибидида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;
 - мазкур Фармоннинг 1-3, 5, 6-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.
- Фармон эълон қилинган кундан кўради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.


Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2003 йил 1 декабр



«Охангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Корхона жамоаси истеъмолчиларга йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 15,5 миллиард сўмликдан ортиқ шифер, асбесткувур ва бошқа хариддорнинг маҳсулотлар етказиб берди. Айни пайтда бу ерда ойига 700 минг дона сифатли шифер, бюртомга қараб

МЕХР — МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан Халқаро ногиронлар кўнига бағишлаб ташкил этилган хайрия концерти бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни ўтказишда «Sen yolg'iz emas» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, бошқа республика ва халқаро ташкилотлар ҳам яқинда ёрдам берди. Концертга хорижий дипломатлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик чет эл компаниялари вакиллари таклиф этилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва кўпгина хориж мамлакатларида шуҳрат қозонган «Ипак йўли» камер хори жамоасининг чиқиши тадбирнинг асосий қисмига айланди. Жамоа мумтоз бастикорлар асарлари ва жаҳон халқлари қўшиқларини ижро этди. Томошабинлар Тошкентдаги имконияти чекланган болалар 2-меҳрибонлик уйининг ёш хаваскор артистларининг чиқишини ҳам илқ қарши олишди. Улар ушбу кўнга атаб эртақлар асосида театрлаштирилган томоша намойиш этди. Концерт ниҳоятда Тошкент вилояти ногирон хотин-қизлари учун байрам дастурхони ёзилди. Болаларга эса совғалар улашилди. Байрамдан тушган маблағ «Соғлом авлод учун» жамғармасининг махсус ҳисобрақамига қилиб тушади ва республикадаги ногирон болалар тарбияланаётган «Муруват» уйлари учун машиной ускуналар сотиб олишга сарфланади. Жамғарманинг ҳудудий бўлиmlари ҳам республика миқёсидаги барча вилоятларида бу каби хайрия тадбирларини ўтказмоқда. (ЎЗА)



Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида мамлакатимиз Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тадбир бўлди.

ҚУТЛУФ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Унда сўзга чиққанлар Бош қонунимизнинг маъмул-моҳиятини ёшлар онгига синдириш ҳаётий зарурат эканлигини таъкидлади. Шу мақсадда ушбу ўқув даргоҳида Конституцияни ўрганмиш дарслари ташкил этилган. Талабалар иштирокида «Конституция менинг тақдиримда», «Конституцияни ким яхши билади?» каби мавзулардаги танловлар мунтазам ўтказилаётир.

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Меҳр-жон-2003» хайрия фестивал-марафони бўлиб ўтди. У «Меҳр-жон» шафёқлик кенгаши томонидан ташкил этилди. Мазкур анъанавий марафон «Меҳр кўрсати!» шiori остида ўтказилди. Унда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб интернатлар тарбияланувчилари, катта авлод вакиллари иштирок этди. Республикада ҳар йили 3 декабр Халқаро ногиронлар куни сифатида нишонланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан эълон қилинган бу сана арафасида мамлакатимизда бу йил ҳам турли хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда. Марафоннинг тантанали очилишида таъкидландики, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга катта гамхўрлик кўрсатишда, жисмоний имкониятлари чекланган инсонларни реабилитация қилишга жабдий эътибор берилмоқда, улар тазлим олиши, касб эгаллаши учун шароит яратилмоқда. Жумладан, «Меҳр-жон» шафёқлик кенгаши ташаббуси билан турли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Марафон давомида мусика янгради, куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Болаларнинг ўзи тадбирнинг асосий қатнашчиларига айланди. Барча ёш иштирокчиларга ҳомийларнинг совғалари топширилди. (ЎЗА)

Туманда қўшма корхона очиш ҳақида ҳаракат бошлангани билан ҳокимнинг олдига Толибжон Мамаинов келди. Манзура Эгмова чуқур мулоҳаза билан иш юртаклигини, аммо туган жойидан қувиб юришини яхши биларди. Бундан олдин ташланган майдонда тўқув цехи очиб, «Кўкалам» маҳалласи ёшларидан бир гуруҳини муқим ишли, уй-жойли қилиш ишларига бош-қош бўлган ҳам Толибжон эди. Яна бир фазилати — кам-харж оилаларни корхонага қорлаб, кўнглини олар, фарзандларини кийим-бош, ўқув қуроллари билан таъминларди.

Қўшма корхона очиш таклифига Толибжон жон дили билан қўшилди. Бироқ бу иш осон кўнмади. Қурилишни лойиҳалаштириш, ишчи кўчларини бунёдкорлик ишларига жалб этиш, пудратчиларни аниқлаш йўлида жонбозлик кўрсатди. Ҳоким эса вилоят ҳокимлиги билан бақамти бўлиб пойтахтдаги лойиҳалаш институтиларини, чет эллик ҳамкорларни қорлаш пул маблағларини топишни ўз эътиборига олди. Толибжоннинг бир оёғи Ойимқилишда бўлса, бир оёғи Тошкентда эди. Вазирликлар, қурилиш ташкилотлари маъмуллар қабулхоналарида ойнаб бўлишга

Ўзбекистон ва жаҳон «ОЙИМТЕКСТИЛ»

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси 400 нафар ёшларни ўз бағрига олди

Ҳамма шароит муҳайё. Бир маҳал бепул иссиқ овқат бисёр, тиббиёт хонаси, кутубхона ишчилар хизматида. Цехлар электр нуридан чароғон, хоналар мўътадарро, ҳаво билан таъминланган. Ишончага жаҳон андозаларига мос ва хос технология ус-жумла турмуш тарзи яратилади. Келгусида ва мумоада 3 минг нафар ишчи мўхнат қилиши кўзда тутилмоқда. Ойлик маош дастлабига 50 минг сўм атрофида. Энг муҳими, ишчиларнинг янги авлоди шаклланимоқда. Эндликда олимқилишқилишлар замонавий дастгоҳларни ўзлаштириб, қўшимча касбкор эгаси бўлимоқдалар. Хозирдан Марказий Осиё ва Болтиқбўйи мамлакатларидаги ишбилармонлардан буюртмалар тушмоқда. Корхонани бунёд этишда Андижон вилоят ҳокимлигининг ҳам хизмати катта. Хонободаги 1-қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, 40-кўчма жамланма, «Ўзбек-нергомонтаж» нуричилари, Андижон электр тармоғи идорасининг ҳунармандлари корхонани ишга туширишда фидойилик кўрсатдилар. С.РЎЗИМАТОВ, Жалолқудуқ тумани

Устирт кенгликларидида бунёд этилаётган Кўнғирот сода заводи қурилиши ниҳоясига етади деб қолади. Ҳар йили юз минг тоннагача кальций содаси етказиб берадиган завод қурилиши жадал сурьатда давом этмоқда. Хозирга

ЗАВОД ҚУРИЛИШИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

қадар қурилиш-монтаж ишларига 26,5 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Йилнинг ўтган даврида 8,7 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Завод биносининг асосий қорпуслари битди, - дейди завод қурилиши бош дирекцияси раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Обод Рабберенов. - Энди Хитойнинг «Ситик» халқаро компанияси мутахассислари ишни давом эттиради. Қурилишда «Кўнғирот сода қурилиши», «Деҳқон сода қурилиши»,

«Кўнғирот КМК», «Қорақалпоқ-тойул», «Жанубгақурилиш», «Ўзтрансгаз», «Қорақалпоқ магистралэлектр тармоқлари», «Алоҳа инвест» қурувчи ва мутахассислари иштирок этмоқда. - Завод тўла қувват билан ишлаши учун мингдан зиёд киши мўхнат қилиши лозим, - дейди О.Рабберенов. - Қурилиш бошлангани билан малакали кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Ўз маблағимиз ҳисобидан Нукус ва Тошкентдаги бир қатор олий ўқув юртакларида юздан ортиқ ёш мутахассисни ўқитиляпти.



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00 - 8.30.

18.05 «Вести».
18.15 «Мультисенс».
18.40 «Евроњњос» янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00 - 8.30.

22.10 «Химоя».
22.20 ТТВда сериал: «Ўшнинг бахти».

ПАЙШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00 - 8.30.

19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 Мусикий лаҳза.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.

9.15 ТВ - анонс.
9.20 Жаҳон географияси.
10.10 Тонгги сериал: «Рамаяна».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.

11.55, 14.20 ТВ клип.
12.05 «Калб гахари».
12.25, 14.50 ТВ анонс.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.

киламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.



лида илк маротаба: «Тоғлик».

ЖУМА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Вести».
8.35 «Вести».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.00-8.30.

ЯПОНИЯ РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДИЕНИЕГА ЎТА БОШЛАДИ
2003 йилнинг 1 декабри Япония омавий ахборот воситалари тарихида янги босқични бошлаб берди.

Китоб - дилга нур беради. Дил нурдан эса инсон кўзи равшанлашади, оламни кўради, англайди, тўғри йўл ила бахт-саодат топади. Буни биз Муштакиллаб голяларини, Президентимиз таълимотини инсон қалбига нур каби олиб кирган китобларда кўрагимиз. Дарвоқе, Абдураҳмон Жомийда шундай хикमत бор: «Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ гамхўр йўқ, ундан юз роҳат бор, ҳеч қачон озор йўқ».

82 ёшини қаршилаётган атоқли шоир, драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори Рамз Божохон билан суҳбатимиз китоб ва кутубхонага бағишланди.

Ибрат

овоздан қўллаб-қувватлаймиш.
«Конституция» маҳалла оқсоқоли Комилжон Муҳаммаддиёров.
Шундан сўнг ишга жиддий киришилди. Маҳалла гузаридан алоҳида жой ажратилди. Кичик кутубхона мақомида зарурий ишлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, «Рамз Божохон кутубхонаси» вужудга кела бошлади. Маълум даражада кутубхона жамғармаси учун Республика матбуот ва ахборот агентлиги нашриётлари, жумладан, Гафур Гулом номидаги матбаа-нашриёт ижодий уйи бадий, ижтимоий-сиёсий, қадимий ва бошқа қўллаб китобларни совға

КИТОБ - УЛКАН МЎЪЖИЗА

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Божохон ташаббуси

Рамз Божохон бундан икки йил олдин ибратли ишни бошлаган эди. Ушанда у маҳалла оқсоқолига мактуб йўллади.

«Конституция» маҳалласи оқсоқоли, азизим Комилжон!

Утган йил сўнггида Республикаимиз Президенти 2003 йилни «Обод маҳалла йили», деб эълон қилдилар. Маҳалла бу том маънода Ватан. Ватан эса обод, беповён, бекиёс, буюк маҳалладан бошланади, десам эҳтимол хато бўлмас. Дарҳақиқат, ҳар биримиз кўз очиб кўрган ўз уйимизни, ўз маҳалламизни севамиз, ардоқлаймиш, унинг ободлиги, қўрқи, гўзаллиги, сохибжамоллиги билан фахрланамиз.

Менинг маҳалламни кўрмаган борми, Орозу қилб, хайл сурмаган борми, Сов-салқинда юрмаган борми, Ёқиб қолса бир уй қурмаган борми?

Менинг маҳаллам бу, менинг маҳаллам!

Маҳалламиз обод, унинг бағрида бир неча мактаб ва институт, шифохона ва катта-кичик дўконлар, дипломатия маҳкамалари жойлашган, шинам бинолар ва тахти равон кўчалар мавжуд.

Истардимки, маҳалламиз гузариди маънавият ва маърифат манзилли маъносиди унча катта бўлмаган, лекин фойдаланишга қўлай кутубхона бунёд этилса, нур устига аъло нур бўларди ва кези келганда ёзувчи ва санъаткор, олим ва тadbиркор, бинобарин бошқа ким эгалари билан турли мавзуларда учрашувлар ёки бир пилва чой устида суҳбатлар ўтказиб туриш имкони яраларди.

Хурматли оқсоқол! Менинг тақлифимни қўллаб-қувватласангиз, ўз шахсий кутубхонадан китоблар беришим, мазкур кутубхона учун жой ажратиб берилса, уни жиҳозлашга ҳомий топишда сидқидилдан қамарбаста бўлишим мумкин. Самимий ила Рамз Божохон, маҳаллангиз фуқароси».

Орадан кўп ўтмай жавоб мактуби Рамз Божохонга етказилди. Унда шундай сатрлар бор эди:

«Мухтарам Рамз ака! Ҳар бир маҳаллада маънавият ва маърифат манзиллини бўлиши, хусусан кутубхона ва турли тўғрақларнинг фуқаролар учун хизмат қилиши замон тақозосидир. Бу билан ёш авлодни ўқитишдан ва ишдан ташқари бўш вақтларида фойдали машғулот билан банд қилишдек долзарб масала қисман бўлса ҳам ҳал бўлади. Сизнинг маҳалламизда ёшларни фойдали ишга жалб қилиш мақсадида кутубхона бунёд этиш ҳақидаги тақлифингизни биз маҳалла фаоллари бир

қилишди. Муштакиллимизнинг ўн икки йиллиги арафасида пойтахтнинг Яққасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида Ўзбекистон халқ шоири Рамз Божохон кутубхонаси очилди. Бу ибратли, замонавий ташаббус кенг қулоч ёзди. «Адолат», «Маънавият» нашриётлари жамоалари, «Ўзбекистон овози» газетаси таъририяти ҳам ўз маҳаллаларида кутубхоналар, спорт мажмуалари ташкил қилишди.

Мамлакат Президенти ҳам оғоҳ бўлди бу хушхабардан. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Гулом бу воқеани маҳалланинг «Фахрий меҳмонлар китоби»да қуйидагича қайд қилди:

«Мен кутубхонанинг очилиш маросимидида қатнашдим.

Бу маросимда академик Азиз Қайюмов, профессор Ҳафиз Абдусаматов, маҳалла фаоллари, Низомий номидаги педагогика Университетининг профессор ва ўқитувчилари ҳам иштирок этдилар.

Олимлар, ёзувчилар, китобхонлар кутубхона шаънига, унинг ташкилотчиси - Рамз Божохонга самимий миннатдорчилик сўзларини айтдилар.

Истиқлолнинг 12 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этган муҳтарам Президентимиз Рамз Божохон ва бошқалар билан илиқ кўришдилар, ҳол-аҳвол сўрадилар ва Рамз Божохонга мурожаат қилиб, кутубхона доврғини эшитганларини айтдилар-да:

«Жуда яхши иш қилибсиз!» - деб маъқулладилар...»

Орадан кўп ўтмай атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ушбу маҳалла кутубхонасига ташриф буюриб, шундай дастхат ёзиб қолдирди:

«Ушбу кутубхона адабий, маърифий аҳамиятга эга. Ушбу даргоҳ маҳалла аҳли учун ҳам, адиблар учун ҳам мўътабар бўлиб қолишини тилайман.


24 сентябр, 2003 йил».

Сўнгра Абдулла Орипов ўзининг тўрт томлик «Танланган асар»ларини кутубхонага тўхта қилди.

Шоирнинг кутубхонаси ўзи шундай бўлади. Кутулғ уйга қуруқ кириб бўлмаганидек, ушбу даргоҳга ҳам шоирлар, ёзувчилар, драматурглар ташриф буюр экан, албатта, ўз ижодларидан намуналар, бирорта бўлса ҳам бошқа адабийлар олиб келишмоқда.

Дарҳақиқат, китоб-улкан мўъжиза! Китобга юз тутайлик!

Карим НОРМАТОВ, профессор



Болалар спортини ривожлантириш учун республикамизда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бағдод туманида ўтказилаётган ибратли тадбирлар ҳам шулар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг келгусида юксак малака эгаси бўлишлари учун хизмат қилмоқда.

Суратларда: 8-ш теннисчи Анвархон Шамсидинов; туман ҳокимининг ўринбосари Абдуманнон Асқаров 28-умумтаълим ўрта мактаб 8-ш спортчилари даврасида; жисмоний тарбия ўқитувчиси Мўйдинжон Сатторов 8-ш баскетболчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар

Тошкент. Фото уйда Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Латвия.Ракурс» деб номланган кўргазма очилди. Унда латвиялик фоточилар Айварс Лиепиньш, Илмарс Знотиньш ҳамда Юрис Калиньшинг асарлари намоиш этилмоқда.

ТОШКЕНТДА ЛАТВИЯ МАНЗАРАЛАРИ
Ҳар учала фотоустанинг асарлари нафақат Латвияда, балки АКШ, Австрия, Швеция, Дания, Япониядаги музей ва шахсий коллекцияларда сақланаётди.
Музыка санъати каби фотография ҳам таржима талаб этмайдиган санъат. Шу боис Латвиянинг зумрад дала ва ўрмонлари, мовий кўллари, одамларнинг ҳаёти, миллий урф-одатлари акс эттирилган суратлар кўпчилик томошибинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Болалар спортини ЧЕМПИОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА
Ромитан Бухоро вилоятининг аҳолиси тез суръатларда ўсиб бораётган туманларидан бири саналади. Ҳозирда туман аҳолисининг қарийб 27 минг нафарини 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётганлиги боис улар орасидан юрт доврғини дунёга дoston этакдан кўллаб чемпионлар - иқтидорли ёш спортчилар етиштиб чиқмоқда.

Мухтарам Юртбошимизнинг «Узини яхши кўрадиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандаларини ҳам спортга жалб этади» деган гапларини бот-бот ёдга оламан. Зеро, бу ўғит тумандошларимиз қалбиди акс садо бераётгандек, гўё. Ҳар кун ишдан ёки ўқидан сўнг туманимиздаги спорт иншоотлари ёшлар билан гаважум. Жумладан, замонавий талаблар асосида қайта тазмирдан чиқарилган туман марказий ўйингоҳида ҳам турли ёшдаги ўғил-қизлар иштирокида машғулотлар олиб борилмоқда. Масалан, мен раҳбарлик қилаётган кураш мактаби тарбияланувчилари ҳам ўз маҳоратларини ошириш мақсадида тер тўкишмоқда, - дейди таъкил мураббий Саври Умаров.

Дарҳақиқат, спорт фидоисининг сўзларидан жон бор. Айнан мураббий С.Умаров ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан кўллаб ютуқлар кўлга кiritилмоқда. Унинг шогирдлари устоз ишончини оқлаб, нуфузли мусобақаларда шохсупадан урин олишарти. Жумладан, ушларлар уртасида ўтказилган мамлакат чемпионатиди Самижон Умаров кумуш медал сохиби бўлди. Яна бир умидли ёш спортчи Раваҳан Қаландаров кўксини эса бронза медали безади. Шунингдек, иқтидорли полвон Мухаммад Маҳмудовнинг мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинганлиги ҳам қувонарли ҳол. Халил полвон Жумаев эса нафақат романтикларнинг, балки вилоят фахрига айланди. У ўз вази тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, «Ўзбекистон чемпиони» деган шарафли номга сазовор бўлди. Энди бу иқтидорли курашчи мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда ҳимоя қилади.

Ҳа, романтик полвонлар эришган галабалар бу қадим масқанда иқтидорли ёш спортчилар қамол топаётганлигидан дарак бериб турибди. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳолни азиям Зарафонига ўхшатиш мумкин. Асрлар оша тўқинлидан оққан бу дaрғининг яқин келажакда ўз уганига сиймаг дайқиритиш турган гап. Зеро, буни туманда болалар спортини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг микёсдаги амалий ҳаракатлар ҳам исбот этмоқда.

О.КАМОЛОВ

ОСМОНЎПАР БИНОЛАР ТОБОРА БАЛАНДЛАШМОҚДА

Яқинда Тайванда дунёда энг баланд бино қуриб битказилди. «Taipei 101» деб номланган мазкур осмонўпар иншоотнинг баландлиги 508 метр. Бу бино 101 қаватдан иборатдир.
Шу вақтга қадар Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда қад ростлаб турган «Petronas towers» қўш биноси дунёда энг баланд ҳисобланар ва Гиннсебинг рекордлар китобидан жой олиб келаятган эди. Энди-у ўз

Турфа олам

шоот ташкилотлар томонидан банд этилиши ва зарур мақсадларда фойдаланилиши керак бўлади.
Айрим кузатувчилар иншоот мамлакатда содир бўлиб турадиган зилзилаларга бардош бера олмаслигиндан хавотир олишарти. Аммо, мейморлар бунга ўрин йўқлиги, бино барча шароитлар ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилганини таъкидлашмоқда.
Хитойлик муҳандислар «Taipei 101» ўзининг рекорд даражасини узоқ вақт

ВАТАН

юрт ўғлонлари юрагидан бошланади

ҳамон ёдимда.
Қадимдан бир кишининг ёлғиз ўғли бўлиб, ўта инжиқ ва ишқмас, бирдан бир орузси хазина топиб, бой бўлишу, сўнг бетаъшиш яшаб экан. Бола шу қўйи улгайибди. Ота энди чинакамига ташвишга тушибди. «Бунақада ўлим хароб бўлади, мен уни кутқаришим керак!» дебди. Сўнг ўғлини ёнига чақириб: «Хув анави дала ортидаги тепаликни кўрсанми?» - деб сўради. «Кўрсанман», - дебди ўғил. «Худди ўша тепаликда илгари бир бой яшаган. Айтишларича, у ўлим олдидан бор хазинасини шу тепаликка қўйган экан. Сен ўша хазинани топишинг керак!» - дебди. Ўғил кетомини қўлга олиб тепалик томон кетди. Ўн кун вақт ўтибди, йигитнинг қўллари қавариб, тепалик теккисла-

Маънавият сабоқлари

биланок шоша-пиша сўрадим:
- Айтинг, Алпомиш ким бўлган ўзи?
- Асли исми Ҳақимбек. Етти ёшида бобосидан қолган ўн тўрт ботмонли парли ёйни тортиб, қўйиб юборганида, ёйнинг ўзи яшинди бўлиб, Асқартоғнинг каттакон чўққиларини юлиб ўтган. Шунда халойиқ болага тўқсон алпинг бири деб баҳо берган. Алпомиш кучли, довржок бўлиб воғга етган...
Шунда мен ўйланиб қолдим. Синфимиздаги ҳамма ўғил болаларнинг қиёфаси бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. «Йўқ, Уларнинг ҳеч бири Алпомишга ўхшамайди!» дедим.
Йиллар ўтган, англаб етдимки, ўзбек

нибди-ю, лекин бир тангаям топиламабди. Ўғли жаҳли чиқиб отасига: «Нега мени алдадингиз?» - дебди. «Хазина фақат ўша ерда, уни топиш учун у ерга дон экиш керак» дебди ота. Ўғли худди шундай қилибди. Ҳосил жуда мўл бўлиб, ота ва ўғил чунонам бойиб кетишибди...
- Ҳўш айтинг-чи, йигит хазинани топа олдимми? - сўради ўқитувчимиз. Биз бараварига жавоб берардик:
- Топди! Меҳнатдан топди!
- Йигит кишининг моли ерда» деган нақл ўша замонлардан қолган, - дерди ўқитувчимиз ва навбатдаги дарсни бошлаб юборарди.
Бир кун мактабдан қайтаётсам, қўшимчанинг ховлиси томондан майин алла эшитилди. Шаҳрибону ая тол шохидаги беланчаки тебратиб, гўдагини алларди:
- Хазон тўғмас боғимсан, аллоб, Тавганда тоғимсан, аллоб, Суюкли бўл, ўқтам бўл, аллоб, Алпомишдай ўғлон бўл, аллоб...
Кечкурун отам ишдан келишлари

бор ўғирлик мол келтирганимда онам шу тиллар билан мени мактаган эди. Агар ўшанда қаттиқроқ койганимда мен бу кун дор тағдида ўлимнини куйтиб ўтирмаган бўлардим, - дебди йигит.
Санам момо шу ривоят орқали ҳар биримизга ҳалоллик тарбиясини бериб борар эди...
Адабиёт ўқитувчимиз дарстаги кириши биланок «Бугун сизлар билан ишга ёзамиз», - деди. Кейин доскага йирик харфлар билан мазунни ёзди: «Ватан қаердан бошланади?»
Синфга жимлик чўкди. Орадан бир неча лаҳзалар ўтди ҳамки, бирортасиз иншоно қандай бошлаш кераклигини билмасдик. Ҳар биримизнинг кўнгилимиздан оғир, изтиробий ўйлар кечар эди: «Биз Ватан деган оқдий ва улғу сўзининг мазмунини нахот шу вақтгача тушуниб етмадик?»
Ишю бошқа кўнга қолдирилди. Йиллар ўтди. Ўша воқеа сабаб бола кўнглимизга муҳрланган Ватан туйғуси ўзимиз билан бирга улгайди. Нигоҳларимиз каби кенгайиб, фикрларини сиз янглиг теранлашиб борди бу туйғу...
Гоҳо ўйланаман. Ватан қаердан бошланади, аслида? Шунда юртга суняч бўлғулик ўғлонларни тарбиялаётган миллат оналари пойига хаёлан эгиламан. «Сиз бешик бошида айтган аллаларингизга Ватан сўзини қўшиб айтинг, ҳар сўзингиз, ҳар ўғитингиз, ҳар бир кўз қарашларингизда шу сўзининг бўйларни кўришиб турсин. Гўдагингиз шу сўзининг бўйларига қараб қаддини ростласин, шу сўздан қувват олиб ўссин!» дейман. Миллат қачон кучли миллатга айланади?
Ўғлонлари Ватанин англаб етган миллат тобора буюклаша боради. Ватан асли қаердан бошланади? Назаримда бу улкан туйғу юрт ўғлонларининг юрагидан бошланади...
Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Футбол

ҚЎШИМЧА ВАҚТ ҚИЙМАТИ
Дуранг мағлубиятга айланди

Футбол мухлисларининг диққат эътибори бугун Биллсидида Жаҳон чемпионати баҳсларига қаратилган десак муболага бўлмас. Сабаби ҳар қандай даражадаги жаҳон чемпионати янги юлдузларни кашф этади. Бугун ўз ўйинлари билан барчамизни ҳайратга солаётган Раул, Рональдо, Беркам каби футболчилар айнан мана шу мусобақаларда мутахассислар назарига тушган.

Ўзбекистонлик ишқибозлар нигоҳи, табиийки, Шаржа шаҳри ўйингоҳларига қаратилган. Чунки юртдошларимиз иштирокидаги гуруҳ беллашувлари айнан шу шаҳарда ўтмоқда.
Авалдан айтиб қўйايлик: натижа қандай бўлишидан қатъий назар, бу кунлар ўзбек футбол тарихида зарҳал харфлар билан ёзилиб қолади. Чунки вакилларимиз бу беллашувларда илк бора иштирок эттишмоқда.
Кунни кеча футболчиларимиз ўз гуруҳларидаги дастлабки учрашувини Мали терма жамоасига қарши ўтказди. Бу ўйинга қадар Африканинг учинчи жамоаси ҳисобланмиш Мали ёшлари ҳақида унча кўп маълумотга эга эмасдик. Қолаверса, жаҳон чемпионати баҳсларида кучсиз жамоанинг ўзи бўлмайди.
Кутилганидек ўйин шид-

датли кўриниш олди. Май-дондаги кураш сўнгги дақиқаларгача давом этди. Ҳимоячимиз Ислом Иномов ҳамма ҳужумчи Александр Гейрник киритган тўпларга рақибларимиз ҳам муносиб жавоб беришди. Сўнгги дақиқаларгача ўйиндаги ҳисоб 2:2 бўлиб турганди. Бироқ ҳакам томонидан берилган қўшимча вақтдан малиликлар унумли фойдаландилар. 91 - дақиқада киритилган тўп ўйин тақдирини хал қилди. Дуранг мағлубиятга айланди, қимматли бир очко бой берилди. Кеча футболчиларимиз аргентиналикларга қарши майдонга тушдилар.
Гуруҳдаги яна бир ўйин Аргентина - Испания терма жамоалари ўртасида кечди. Учрашувда Марадона ватандошлари 2:1 ҳисобида галаба қозондилар.
Абдулхай ЮНУСОВ

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@postlink.net; ishonch1@postlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Маншумиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нархда.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.